# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
# SURXONDARYO VILOYATI ANGOR TUMAN HOKIMINING
# Q A R O R I

Angor tumani, At-Termiziy ko‘chasi 58-uy. 190200, tel.: (+99876) 312-20-12, angor@exat.uz,

2021 - yil 2 - iyul 57-8-109-Q/21 Angor tuman hokimligi

**Ангор туман ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорларини бекор қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 24 ва 25-моддаларига асосан

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон Фармонида 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Ангор туман ҳокими томонидан қабул қилинган эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Туман ҳокимлиги Матбуот хизмати (Г.Жумаева) мазкур қарорнинг расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор расман эълон қилингандан кейин кучга кириши белгилансин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мамаюсупов зиммасига юклатилсин.

**Ҳоким** **SH.B.ABDULLAYEV**

Ангор туман ҳокимининг
2021 йил 2 июлдаги
57-8-109-Q/21-сон қарорига
1-илова

**Ангор туман ҳокимининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари**

**РЎЙХАТИ**

**1.** Ангор тумани ҳокимининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарорига асосан туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини 2014 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида» 2014 йил 27 январдаги 74-сон қарори.

**2.** Ангор туман ҳокимининг «Ангор туманидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида» 2014 йил 16 февралдаги 146-сон қарори.

**3.** Ангор тумани ҳокимининг «Ангор туманидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2015 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида» 2015 йил 7 февралдаги 235-сон қарори.

**4.** Ангор тумани ҳокимининг «Ангор туманидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2017 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида» 2017 йил 9 февралдаги 216-сон қарори.

**5.** Ангор тумани ҳокимининг «Ангор туманидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2018 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида» 2018 йил 14 январдаги 93-сон қарори.

**6.** Ангор туман ҳокимининг «Туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини 2018 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги 2018 йил 26 февралдаги Қ-728-сон қарори.

**7.** Ангор туман ҳокимининг «Ангор туманидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2019 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги 2019 йил 13 февралдаги Қ-710-сон қарори.

**8.** Ангор туман ҳокимининг «Туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини 2019 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги 2019 йил 13 мартдаги Қ-1105-сон қарори.

**9.** Ангор тумани ҳокимининг «Туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини 2020 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида» 2020 йил 19 февралдаги Қ-264-сон қарори.